

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 82 (3820).

Жума, 26 апрель, 1968 йил.

Баҳоси 2 тийин.

**Маориф, маданият ва соғлиқни
сақлаш ходимлари! Халқ маори-
фини, аҳолига медицина ва мада-
ний хизмат кўрсатишни такомил-
лаштирингиз! Меҳнаткашларни
коммунистик руҳда тарбиялашда
активроқ қатнашингиз!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Интернационал тарбия масалаларига бағишланган конференция

Тошкентда «Партия ўқув
системасида интернационал
тарбия масалалари» проблема-
сига бағишланган республика
пўлми-назарий ва методик кон-
ференцияси ўз ишнин давом
этирмоқда.

Иккинчи ялпи мажлисда фал-
сафа фанлари доктори, профес-
сор М. С. Жуусов «Меҳнат-
кашларни интернационал руҳ-
да тарбиялаш соҳасида КПСС
сиёсатининг илмий асослари»
хақида доклад қилди. Тарих
фанлари доктори профессор
Х. Ш. Иноятов «Интернациона-
лизм ва халқлар дўстлиги сиё-

сатини қадбақлаштирувчи хо-
зири замон буржуа идеология-
сини танқид» деган темада док-
лад қилди.

Мажлисда партия ташкилот-
ларининг меҳнаткашларни ин-
тернационал руҳда тарбиялаш
соҳасидаги иш тажрибаси ўр-
тоқлашди. Область партия
комитетларининг секретарлари,
пропагандистлар ва конферен-
циянинг бошқаруви муносиб тақ-
дирланди. Ленин ордени билан
мукофотланди.

Конференция ўз ишнин да-
вом эттирмоқда. (ЎЗТАГ).

ҚИШЛОҚ КУТУБХОНАСИ

Билим манбаи, жавоҳирлар
хазинаси бўлган китоб ҳақида,
унинг нисон маънавий ҳаётида
г буюк роли тўғрисида улуғ
доҳийларимиз, мутафаккирла-
римиз, атоқли адибларимиз жу-
да кўп дово фикрлар айтган-
лар.

Ҳақиқатан ҳам китоб варак-
ларини очиб ўқиганимиз са-
ри фикримиз кенгайиб, билим
савиямиз тобора ортиб боради.
Китобда шундай аjoyиб ҳо-
сият борки, у билаганининг бил-
диради, энг улуғ, энг олижаноб
хислатларин тарбиялайди.

Шу бондан ҳам хамшиша
янгилык изловчи, билимга ин-
тилувчи ижодкор халқимизнинг
китобга бўлган ихлоси ва тала-
би тобора ўсиб борапти. Мам-
лакатимизнинг ҳеч бир чекка
жойи йўқки, у ерга китоб етиб
бормаган бўлсин. Шаҳар ва
қишлоқларимиздаги ҳар бир
корхона, муассаса, қишлоқ со-
вети, ҳар бир колхоз ва совхоз,
мактаб ўз кутубхонасига эга.
Биргина областимизда 6.137
минг китоб фондига эга бўлган
792 та кутубхона ишлаб туриб-
ди. Бу кутубхоналарнинг китоб
фонди ва китобхоналари кун
сайин кўпайиб бормоқда. Утган
бир йил ичида китобхоналар сон
45 миң кишига кўпайди.

Улуғ Октябрь социалистик
революциясининг 50 йиллигига
тайёргилик вақтида ҳамма
жойда «Аъло даражада ишлов-
чи кутубхона» номини олиш
учун мусобақа ҳамда Бутун-
иттифоқ кўриги ўтказилди. Бу-
нда областимиз Бутуниттифоқ
ташқиёт комитетининг бирин-
чи даражали дипломини олиш-
га муваффақ бўлди. Шунинг-
дек, бу кўриқда областимиздаги
30 та кутубхонага Ўзбекистон
СРП Маданият министрлиги то-
монидан «Аъло даражада иш-
ловчи кутубхона» деган юксак
ном берилди.

Улар орасида Бектемирдаги
ўртоқ М. Муртазоева мудирлик
қилаётган район кутубхонаси,
Қорахотий қишлоқ советига қар-
ашан Т. Хушназаров мудир-
лик қилаётган кутубхона, Вой-
тинцев номи колхоз кутубхо-
наси (мудир Л. И. Иваницко-
ва), М. Қобулова мудирлик қи-
лаётган Наманган қишлоқ ку-
тубхонаси ва бошқа илгор ма-
даният ўчоқлари бор. Қўриқда
областимиз кутубхоначилари-
дан 20 кишига Ўзбекистон СРП
Маданият министрлиги ҳамда
маданият ходимлари республи-
ка касабаси союз комитетининг
фахрий ёрлиқлари тошпирил-
ди.

Бутун билим ва куч-тайрат-
ларини маърифат ишига, аҳоли
орасида энг тарқатилган, билим
манбаи — китобни кишилар он-
ига чуқур сиғдириш ишига
сарфлаётган бу ҳиммати ба-
ланд, жонкуяр кутубхоначилар
хизматидан китобхоналар чексиз
миннатдор бўлмоқдалар.

Хозирги даврда талабчан хал-
қимизнинг дини, маданий ҳаёт-
га кучли иштиёси кун сайин
ўсиб бормоқда. Ана шу эhti-
яни ҳисобга олганда, айниқса
кутубхоналарнинг иш савияси-
ни ҳамма жойда бирдек, ҳозир-
ги юксак талаблар даражасида
деб бўлмайди. Кутубхоналар-
нинг моддий-техника базасини
мустаҳкамлаш, кутубхоначи
кадрларни тайёрлаш масалала-
рида ҳали талабчанга камчи-
ликлар мавжуд. Ана шунинг
натijasида кўпгина кутубхона-
ларда иш жуда зерикарли ва
суст олиб бориюмоқда. Бунинг
устига қишлоқ кутубхоналари-
да маданий-оқартув ва тарбия-
вий-сиёсий иш ўз ҳолига таш-
лаб қўйилган жойлар ҳам йўқ
эмас.

Китоблар фондини тўлдириб
бориш, китобхоналарнинг ти-
лаб ва эhtiяжларини ҳисобга
олишга ҳам кўп жойларда етар-
ли эhtiбор берилмапти. Ай-
ниқса ижтимоий-сиёсий, қишлоқ
хўжалиги ва техника адабиёт-
лари билан кутубхоналарини
таъминлаш ёмон аҳволда.

Областимиздаги қатор кутуб-
хоналарда, айниқса қишлоқ ку-
тубхоналарида китоб фонди шу
кунининг талаб даражасида
эмас. Бу ерда характерли бир
мисолни келтириб ўтиш ўрин-
лидир. Агар Бутуниттифоқ
миёсида олаётган бўлсақ, ку-
тубхоналардаги китоб фонди
ҳар бир аҳоли жон бошига 4—
5 нускаданга тўғри келади. Об-
ластимиздаги қишлоқ кутубхо-
наларида эса бу рақам аттиг
2,5 нускадан ташкил этади,
холос.

Китоб фондини оширишга ай-
ниқса колхозларда дуруст эhti-
тибор берилмайди. Колхоз
правлениелари йилнинг охири-
да, даромад тақсимоти пайти-
дагина шу мақсадга маълағ
амратадилар. Бутун йил бўйи
эса кутубхона учун китоб со-
либ олишмайди. Оқдўғрон рай-
онидан 23 колхознинг 8 таси-
да — Куйбисев номи, «Гу-
листон», «Москва», «Комму-
низм», «Навоий» номи, Киров
номи, Энгельс номи, Х.
Олимжон номи, Бўка райони-
даги К. Маркс номи, «Комму-
низм» колхозлари кутубхонала-
рида китоб фонди қоникарсиз
аҳволда.

Булардан ташқари, областим-
изда кутубхоналар сонини кў-
пайтириш, янгиларини ташкил
этиш, бунинг учун махсус бино-
лар қуриш ишлари ҳам кўпийла-
даётган эмас. 1967 йили халқ
хўжалиги планига мувофиқ
190 колхоз кутубхонаси ишла-
ши лозим эди. Унинг ўрнига
122 кутубхона ишлаб турди.


Буларнинг ҳаммаси аҳолига
маданий хизмат кўрсатиш, қиш-
лоқ аҳолининг китобга бўлган
эhtiяжини тўла қондирш иши-
га салбий таъсир кўрсатади,
албатта.

Партия ва ҳукуматимиз
қишлоқ аҳолисининг мадания-
тин янада яхшилаш ма-
салисига тобора катта эhtiбор
бериб келмоқда. Бу ҳақда бир
неча муҳим қарорлар қабул қи-
линди. Ўзбекистон Компартия-
си Марказий Комитетининг
XIII пленуми ва ундан кейинги
плenumларида ҳам бу масалага
катта эhtiбор берилди.

Кун сайин экономикаси ўсиб
бораётган областимиз хўжалик-
ларида аҳолининг маданий эhti-
яжини тўла таъминлайдиган
барча шарт-шароитлар мавжуд.
Вазифа шундан иборатки, ана
шу имкониятларни тўла ишга
солиб, қишлоқ кутубхоналари-
нинг моддий базасини мустаҳ-
камлаш, энг муҳим уларни
ишчан, ташаббускор кадрлар
билан таъминлаш лозим.

Китоб — билим манбаи, ку-
тубхоначи эса ана шу билимни
тарқатувчи, тарғиб этувчидир.
Махаллий партия, совет, комсо-
мол, касабаси союз ташкилотла-
ри, турли ташкилот ва идора-
ларнинг бошқилари аҳоли ўр-
тасида билимни кенг тарқатиш,
кутубхоналар ва бошқа мада-
ният ўчоқлари ишнин тағин ҳам
ривожлантиришга кўндалик
ғамхўрлигини кучайтиришлари
зарур.

Кутубхоналар ишнин шундай
ташқил этайликки, ҳар бир хо-
надон ҳар бир киши китобдан
кун сайин баҳраманд бўлсин,
китоб унинг турмуши ва меҳна-
тида доимий йўлдоши, кўмак-
доши бўлсин!



Р. Шредер номи богдорчилиги, узумчилик ва виночилик илмий-техники институтда по-
лиэтилен плёнкаси остида қулулмай ўстирилувчида. Натияжада ҳосил даладаги қулулмайча нисбатан
икки ҳафта олдин пишди. Суратда: ишчи М. Фозилова ва агроном Н. Шокиров ўртоқлар қулулмай-
зорини кўздан кечирмоқдалар.

ТУЛИҚ ГЕКТАР УЧУН

Бундан уч-тўрт йил илгари да-
ларини айланганида қишлоқ
қишлоқ ариқлар, ўт босиб етган
уяллар, совур ва ариқ бўйларига
уялтиб етган туяроқлар қўзга та-
шланарди. Буларнинг ҳаммаси, да-
ларининг ҳуснини бўзиб турарди.
Шу билан бирга бир қанча ҳосил-
дор ерлар аталланиб етарди. Эhti-
молог агрономлар айтганда, бу-
ндай ўт босган ерлар ҳашаротнинг
уяси эди.

«Далварзин» совхозининг да-
ларини айлангангиз дини хара-
қидуви шундан беҳшом ерларни
кўрмайсиз, ҳамма ер тоза, кўр-
кам.

Бешикчи бўлимга қарашли Ше-
рон Аҳмедов, Мамасоли Азимов
бошлиқ эвено ерларининг чегараси-
дан канал ўтди. Авваллари канал
чегариди 20 метрча ерни туяроқ
босиб етганини кўрганимиз. Бу
йил ана шу туяроқлар бўлдо-
лар билан сўрилиб канал да-
маси мустаҳкамланди. Ер очилди
экинзорга айлантирилди. Бу икки
эвенога ҳаммаси бўлиб 4 гектар
янги ер қўшилди. Совхоз бу иш-
ларини бажариб канал дамасини
мустаҳкамлаб бергани учун район
сув хўжалик системасидан 11700
сўм пул ҳам олди.

Совхоз коллективни бу йил янги
марраларни аталлаш, ҳосилдорлик
ни 27 центнерга етказиш мақсади-
да 2850 гектар пахта майдонига
баракка уруғи экти. Лекин чигит
экилгунга қадар чинакам тўла
гектарлар ҳосил қилиш, ҳар гектар
ердан белгиланган миқдорда пахта
олишга эришиш учун юқоридан

каби кўп тадбирлар амалга оши-
рилди. Ерларнинг мелiorатив аҳ-
волини яхшилаш, ирригация тар-
моқларини тартибга солиш, гўзани
бир томондан сўғориш учун кар-
тани текислаб тартибга солиш иш-
лари бажарилди.

Жумладан, 270 гектар ернинг
мелiorатив аҳволи яхшиланди.
5700 метр узунликдаги эски, қир-
тир-қиртир ариқлар тўғрилиб
янги ариқ олди. 31 гектар тош-
лоқ ерга туяроқ солиниб экинзор-
га айлантирилди. Эски, бекорчи
туяроқ ҳисобига 3,5 гектар ер
қўшилди.

Олтинчи бўлимдаги Азимов
Бурхон, Рўзбой Жумабоев,
Намобарали Эрнazarов бошлиқ эве-
но ерларидан совур пироздорли-
ти текислаб пахта майдонлари
қийла кенгайтирилди ва тартибга
солинди, совхозда бу йил деҳқон-
чилик маданиятини кўтариш, ер-
дан фойдаланиш даражасини оши-
риш, ҳар бир қарич ерни қадр-
лаш, мавжуд резервларини ишга
солиш мақсадида шу каби ишлар
бажарилди.

Совхозда туяроқлар бор. Ерлар
тартибга солиниш, ариқлар тўғ-
рилиниш муносабати билан пил-
лачилар учун озуқа базасини мус-
таҳкамлаш мақсадида янги ариқ
бўйларига қўшмича миңг туя-
роқ қўнати ўтказилди.

Бекобод районининг ўзига ҳос-
табий шароити бор, тез тез қучли
шамол бўлиб туради. Шамол бош-
ланса ернинг нами тез қўнатиб
кетди. Айниқса баҳорда чигит
олишга эришиш учун юқоридан

бошланса кўп жойларда чигит ер-
нами билан уяиб чикмайди. Шу
йили учун чигит суви беришга тўғ-
ри келади. Бу эса пахтани ке-
чиштиришга сабаб бўлади. Шунинг
учун қучли шамол бўладиган ер-
чегарига ихота дарахтларни эки-
ди. Бундай жойлар 17 гектар ер-
ни ташкил этади.

Кўрилган бу тадбирларнинг
ҳаммаси чинакам тўла гектарлар
ҳосил қилишга қаратилганлиги,
— дейди, совхоз директори Раимжон
Исмомов.

Бу фактлардан кўришиб туриб-
дики, совхозда ҳақиқий тўла ге-
ктар ҳосил қилиш учун кураш чи-
гит экилгунга қадар бошланган.
Агар гектарларда қучат тўла бўлса,
лекин ернинг мелiorатив аҳволи
яхши бўлмаса ундан қучилганча
натияжа чикмайди. Вапарт карт-
лар текис бўлмаса сўғориш вақти-
да қўпгина ўсимликни нобуд қи-
лиш турган гап.

Маълумки, илгарилари ҳам тўла
гектар учун кураш бор эди. Ҳар
йили шу тўғрида кўп гап буларди.
Аммо фақат экин экиладиган ер-
ларга қараларди, ер чегарига
назар ташланмас эди. Капитал
тадбирлар қурилмасди. Бу йил
эса кўп хўжалиқларда, жумладан
«Далварзин» совхозига ер че-
глари тартибга солиниб, беҳуда ет-
ган ерлар экин майдонларига
қўшиб юборилди. Тажрибали деҳ-
қонларнинг «деҳқончилик мадания-
ти ернинг чегидан бошланади» де-
ган сўзларига амал қилиш бошлан-
ди.

Эндиликда агротехниканинг

ОРДЕНЛИ БИНОКОР

Бинокор! Бу сўз замирида
қанчадан-қанча ҳикмат бор. Бу
касб эгаларини ҳарқанча
эъзозласанг, уларга ҳарқанча
офаришлар айтсанг ҳам олиқ
қилади. Қанчадан-қанча қиш-
лоқларни, шаҳарларни бунёд
этайтган, турмушимизни фаро-
вон қилишга салмоқли ҳисса
қўшаётган кишиларга меҳри-
миз, муҳаббатимиз чексиздир.

Аваз ака Аляжонов шулар-
нинг биридир. Мана 15 йилдир-
ки, шу касбда сиқидилдан
меҳнат қилиб келаяпти. Моҳир
қурувчининг номини Охунбобо-
ев номи колхоз аҳли ҳурмат-
эhtiром билан тилга олади.

Аваз ака ўн беш йил мобай-
нида қанчадан-қанча турар-жой
бинолари қуриб бермади, дей-
сиз. У фақатгина ўзи яшаб
турган қишлоқда эмас, балки
бошқа колхозларда ҳам уйлар
қуришда иштирок этди. Ҳамма
ерда унинг ишига офарин
айтишди. Яқин йиллар ичида
«Победа» колхозида 52 та,

Энгельс номи колхозда 21 та,
«Озод» колхозида эса 7 та ту-
рар-жой биноларини қуришда
қатнашди. У уйларнинг гишт-
ларини териб, бетон етқизиш,
пардозлаш ишларини бемалол
бажараваради. Қайси ишга қўл
урмасин, ўрнига қўлади.

Утган йили доғдор қурувчи
ҳаётида қувончли воқеа содир
бўлди. Унинг кўп йиллик сама-
рали меҳнатлари муносиб тақ-
дирланди. Ленин ордени билан
мукофотланди.

Авазхон ака ўз касбинини ёш-
ларга қўнати билан ўргатмоқда.
Хозирги кунда унинг шогирд-
лари ўз устозини энди елкама-
елка туриб ишламоқдалар.
Халқимизнинг фаровонлигини
юксалтириш йўлида ҳормай-
толмай ишлаётган қўли гул
Авазхон аканинг меҳнатда тоб-
ланган қадқоқли олтин қўллари
сира дард кўрмасин!

Г. ТОЖИБОВ,
И. АБДУРАХМОНОВ,
Оқдўғрон райони.

ҚУРУВЧИЛАР ВАХТАДА

Бешикчилик тошпириқчи 1970
йилнинг ноябры байрамгача
бажариш учун қурашайотган
Чирчиқдаги 160 қурилиш трес-
ти қурувчилари кўзга кўринар-
ли муваффақиятларга эришмоқ-
далар.

Юбилей йилида қатор обь-
ектларнинг сифати қўлдан чиқа-
риш билан бирга, улар 278
миң сўмлик қурилиш матери-
алларини тежаб қўлланган эди.
Бунга айниқса 225-227-ва 228-
УНР қурувчилари катта ҳисса
қўшган эдилар.

Бинокорлар шу кунларда со-
циалистик мусобақасини тобора
кучайтиришди. Дастлабки
квартал планини 103,2 процент
адо этишиб, иккинчи квартал
тошпириқини муддатидан илгари
бажаришга бел бошлаган илгари.
Шу кунларда турар-жой
бинолари, 120 ўринли меҳмон-
хона, 150 ўринли болалар боғ-
часи, ҳаммом қурилишда на-
во эhtiромдорлар. Иккита 96
квартирали турар-жойда сўнги
пардозлаш ишларини олиб бори-
ришди.

Трестнинг А. Тарасов, М. Ис-
санов ва бошқа ўртоқлар раҳ-
барлик қилаётган участкалари
да—қуналик—тошпириқ мунтаваб
150—160 процентдан адо этил-
моқда. Айниқса, А. Морозов
бошчилигидаги гишт терувчи-
лар М. Тарасов бошлиқ ду-
радзорлар, А. Черенков раҳ-
барлик қилаётган сувқоқлар
бригадалари бошқаларга наму-
на бўлмоқдалар.

М. МИРСУЛТОНОВ.

ПАРВАРИШ ҚИЗГИН

Ленин номи колхоз деҳқонлари
рам яқин ривожланмоқда. Шу кун-
беш йиллигининг учинчи йилида ша-
ҳар меҳнаткашларига 11 миң тон-
нага яқин турли хил қишлоқ хўжа-
лиқ маҳсулотлари етказиб бериш
учун курашмоқдалар.

Шу кунларда ертини экинларини
парвариди қилиш қишқиб тугалла-
ди. Уртанг экинлар экин ҳам тугалла-
напти.

Хўжаликда 55 ўринга 80 гектар
эртаги — картошка, 41 гектар ерга
пиев, 27 гектар ерга нарам экилади.
Эртаги картошка дастлабки культив-
циядап чиқарилади. Пиев, эртаги ка-

ФАРОВОН ҲАЁТ

Кишлоғимиз қиёфаси йил сайи
н ўзгариб, кун сайин фаровон-
лашиб бормоқда.

Кишлоғимиз бағрида «Ленин-
град» колхози жойлашган. Унинг
чиқориш оёқларини қўли гул қи-
шлар ҳам шу колхоз меҳнаткаш-
ларидир. Улар ҳар йили юқори
ҳосил учун курашиб, катта ютуқ-
ларни қўлга киритмоқдалар.

Иқтисодий жиҳатдан тобора
юксалаётган хўжалик кишлоғида
маданият саройи, шифохона, бо-
лалар боғчаси, ҳаммом, амбула-
тория, қўш қаватли мактаб, қў-
ниги, ҳаммаси бор. Мавжуд 2
та ўрта ва 2 та бошлангич мак-
табда меҳнаткашларнинг 1300

ПАРВАРИШ ҚИЗГИН

Ленин номи колхоз деҳқонлари
рам яқин ривожланмоқда. Шу кун-
беш йиллигининг учинчи йилида ша-
ҳар меҳнаткашларига 11 миң тон-
нага яқин турли хил қишлоқ хўжа-
лиқ маҳсулотлари етказиб бериш
учун курашмоқдалар.

Шу кунларда ертини экинларини
парвариди қилиш қишқиб тугалла-
ди. Уртанг экинлар экин ҳам тугалла-
напти.

Хўжаликда 55 ўринга 80 гектар
эртаги — картошка, 41 гектар ерга
пиев, 27 гектар ерга нарам экилади.
Эртаги картошка дастлабки культив-
циядап чиқарилади. Пиев, эртаги ка-

ФАРОВОН ҲАЁТ

Кишлоғимиз қиёфаси йил сайи
н ўзгариб, кун сайин фаровон-
лашиб бормоқда.


Кишлоғимиз бағрида «Ленин-
град» колхози жойлашган. Унинг
чиқориш оёқларини қўли гул қи-
шлар ҳам шу колхоз меҳнаткаш-
ларидир. Улар ҳар йили юқори
ҳосил учун курашиб, катта ютуқ-
ларни қўлга киритмоқдалар.

Иқтисодий жиҳатдан тобора
юксалаётган хўжалик кишлоғида
маданият саройи, шифохона, бо-
лалар боғчаси, ҳаммом, амбула-
тория, қўш қаватли мактаб, қў-
ниги, ҳаммаси бор. Мавжуд 2
та ўрта ва 2 та бошлангич мак-
табда меҳнаткашларнинг 1300

чироқлари бор. 10 колхозчи эн-
гил автомашинига эга.

Бу йил колхоз марказида 1200
ўқувчиға мўлжалланган икки қа-
ватли мактаб биноси қуриб фой-
даланишга топширилди. Бу йил
янги бинолар қуд кўтарди. Кол-
хозчилар учун 20 дан ортиқ ти-
повой уй ва Ленин номи участ-
када 200 ўринли клуб биноси қу-
рилади, маданий-маиший хиз-
мат кўрсатиш объектлари ишга
туширилади.


Б. ЙУЛДОШЕВ,
Оқдўғрон райони.



● Пойтахтимиз кун сайин гўзаллашиб борапти. Чапдаги суратда: Шота Руставели кўчасида
янги қурилган модалар уйини кўришни.
● Фрунзе шаҳридан желган пайвандчи В. Гришанов Лоҳутий кўчасидаги тўққиз қаватли уй қу-
рилишида фаол қатнашмоқда. Ўнгда: В. Гришанов,
М. Баржанов ва Р. Жуманиёзов фотолари.



ТОШКЕНТ — ДУСТЛИК ВА ЖАСОРAT ШАХРИ



ИККИ ЙИЛ МАЗМУНИ

В. С. СКРЕБНЕВ,
«Главташкентстрой» бошлиғи.

Тошкентда зилзила бўлганидан бери икки йил ўтди. Табиатнинг бу қўпол ҳазили унлаб минг оилаларни бошпанасиз қолдирди, қўлаб мактаблар, болалар богча ва яслилари, медицина муассасалари, магазинлар, ошхоналар, саноат корхоналари пўтур етказди.

Аmmo тошкентликлар бу офат олдидан пўз чўжмадилар. Улар қарамонлик, боғдорчилик намуналарини кўрсатди. Бошга мусибат тушган шаҳарга бутун мамлакат ёрдам қўлини чўздди. Тошкентга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўртоқлар келишди. Тошкентни қайта тиклаш ва қуришни кенг программаси ишлаб чиқилди.

Ана шу катта ва масъулиятли қурилиш программасини амалга оширишнинг асосий оғирлиги коллективимиз зиммасига юклатилди. Бинокорлар ва монтажчилар, механикаторлар ва шоферлар ишлаб чиқариш командирлари вазифининг моҳиятини чуқур англаган ҳолда меҳнат қила бошладилар. Зилзиладан сўнг ўтган икки йил давомида 27 мингта янги квартиралар, 80 мактаб, 98 болалар богча ва ясли, 52 медицина муассасаси, унлаб маъмурий, маданий маъмурий муассасалар бинолари ва саноат корхоналари капитал ремонт қилинди ва тикланди.

Янги уй-жой қурилиши кенг кўлабда олиб борилди. Бинокорларимиз 770 минг квадрат метрдан кўпроқ уйлари фойдаланишга топширдилар. Чилонзор, Қорақамчи массивларида, Черданцев, Луначарский тошйўли кўчалари районларида ва бошқа жойларда янги ийрик уй-жой районлари вужудга келди. Саламат 23 минг уйрили янги мактаблар, 6170 уйрили болалар богча ва яслилари фарзандларимиз ихтиёрига берилди. Унлаб магазинлар, ошхоналар, маданий хизмат кўрсатиш корхоналари, кинотеатрлар, клублар ва бошқа объектлар бунёд этилди. «Россия» меҳмонхонаси, радио уйи, моделлар уйи сингари ийрик қўшмақчалли бинолар, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қатор илмий тадқиқот муассасалари, «Гулистон» ресторани, «Ешлик» спорт манежи ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

В. И. Ленин номида майдонда шаҳарнинг энг гузал нишотларидан бири уланган 7 қаватли маъмурий бино қомат келди. Майдоннинг ўзи ҳам тубдан ўзгариб кетди. Унинг биринчи навбати реконструкция қилинди. Ҳозир майдонда Тошкентни реконструкция қилиш беш пиланида белгиланганда реконструкцияш ишлари олиб борилаётган. Ихтисослашган ташиқлотларимиз ийрик коллекторлар, магистрал водопроводлари, ниссоник трассалари, газопровод тармоқлари қуришди.

«Главташкентстрой» бинокорлари ёрдамчи-пудратчи ташкилотлар билан ҳамкорликда саноат қурилиш соҳасида ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Бир йўла 10 минг тонна маҳсулот сақлашнинг муҳона қўлдан чиқарилди. Электротехника, экскаватор, «Ташкенткабель», «Таштек-

тильмаш», «Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш» заводларида, ёрмий комбинатда ва бошқа корхоналарда 87 та саноат объекти ишта туширилди.

Ўтган икки йил мобайнида 335,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Фақатгина 1967 йилда 1965 йилдагига қараганда дедари икки баравар кўп иш адо этилди.

Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси ва Совет ҳукумати коллективимизга жуда катта ёрдам берганликлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бинокорларимиз фаолиятини доим диққат-этибор марказида тутганликлари туфайли ҳам главна қисқа вақт ичида ана шундай катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажара олди. Унинг қуввати анча ошди. Икки йил ичида янгида 11 та трест вужудга келди. Ҳозир коллективимиз сафида 40 мингдан ортиқ киши бор. Бу кўпмирасдан олдинги йилдагига қараганда икки баравардан зиёдроқ кўпдир.

Главмакизмнинг ишлаб чиқариш базаси анча кенгайди. Махсус ташкил этилган саноат корхоналари бошқармасида Ҳозир 13 та завод бор. Бу корхоналарда қурилиш учун зарур бўлган йиғма темир-бетон, арматура, металл конструкциялари ва бошқа шу каби материаллар ишлаб чиқариляпти.

Ҳар йили 140 минг квадрат метр турар-жой ишлаб чиқарувчи 2-ўсозлик комбинатининг биринчи навбати қурилди ва маҳсулот бера бошлади. Бундан ташқари, йилига 500 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарувчи дурадгорлик буюмлари заводи ишта туширилди. Керамзит буюмлари ишлаб чиқарувчи заводнинг қуввати йилига 100 минг кубометрга оширилди, иккита йирик механизацияланган қоршма бетон заводи қурилди. Биринчи ўсозлик комбинатининг қувватини ошириш бўйича ишлар охирига яқинлашяпти, инерт материалларини қазиб олувчи ва қайта ишловчи қувватлар қўлайди ва янги корхоналар ишта туширилди.

Қурилишга меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илгор усулларини, меҳнатни илмий уюштириш элементларини ва бошқа шу каби янгиликларни жорий қилиш соҳасида анча ишлар қилинди.

Трестлар ва бошқармаларда бинокор кадрлар тез сўрыалар билан тайёрлана бошладилар. Кадрлар тайёрлаш учун кишилар бинокорлик касбларига ўргатишнинг барча шакли ва усулларида кенг фойдаланилди. Икки йил ичида 18 мингдан ортиқ бинокор тайёрланди. 13,5 минг ишчи инженер-техник ҳолда ўз малакасини оширди. Бошқарма ва бошқармаларга тўхилган мактаблар янги бинокор кадрлар тайёрлашда катта роль ўйнади.

Қатор трестларни саноат қурилиш, қарас-панелли мактаблар

ва мактабга ёшдаги болалар муассасалари қуриш, ишлаб чиқариш базаси корхоналарини бунёд этиш бўйича ихтисослаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Ойлик ўн куналик планлаштириш ва ахборот беришнинг аниқ ҳамда қатъий системаси, ҳар ойда бажариладиган ишлар ҳажмининг аниқ кўрсатувчи ягона форма ва бошқа шу каби қатор прогрессив усуллар ишлаб чиқилди. Бу қўпгина бошқарма ва трестлар коллективларининг меҳнат кўрсаткичларини яхшилашга олиб келди. Ўтган йили 1-ўсозлик комбинати, 3, 5, 7 ва 11-қурилиш трестлари, 1 ва 2 «Строймеханизация», 1 «Таштрансстрой», 1 пардозлаш трестлари коллективлари самарали меҳнат қилдилар.

Беш йилликнинг учинчи йилида коллективимиз зиммасига янада масъулиятли ва катта вазиғалар юклатилган. Йил давомида биз бундан олдинги икки йил ичида қурилганга тенг келадиган уйлар, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари қуришимиз керак. Айни вақтда жуда кўп сангит ва маданий маъмурий объектлар қурилишини олиб боришимиз ва фойдаланишга топширишимиз даркор.

Капитал қурилиш ҳажмининг жуда ҳам кенг кўлабда ақалигини ишундан ҳам билса бўладик, биз йил давомида 235 миллион сўмлик маблаг ўзлаштиришимиз зарур. Бу ўтган йил давомида коллективимиз ўзлаштирган маблаг ҳажмига нисбатан 20 процентдан зиёдроқ кўпдир. Ҳозир «Главташкентстрой» бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми яхшидан мамлакатда Москва ва Ленинграддан сўнг учинчи ўринни эгаллаб турибди. Бинокор-

ларимиз бу йил белгиланган ана шундай юксак марраларга муваффақиятли эришиш учун барча имкониятларга эгалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган X пленуми республикамиз бинокорлари зиммасига жуда катта вазиғалар юклатди. Бу пленум қарори «Главташкентстрой»нинг партия-ҳўжалик фаолияти йилигида кенг муҳоама қилинди. Шу асосда ишмизни пухта ташкил этиш, имкониятлардан тўла фойдаланиш ва бу билан қурилиш-монтаж ишлари сўрыати ва сифатини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Шунинг ачинарлики, ҳали бунда резервлардан ишнинг қўлини биллиб фойдаланмаётган, топширилган бажаришнинг улдасидан чиқмаётган трестлар ва бошқармалар йўқ эмас. Улар объектларни фойдаланишга топширишни судрамодалар, ишнинг сифатини кўнгалдагидек қилишмаяпти.

«Главташкентстрой» бинокорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун бутун куч ва ғайратларини, билим ва тажрибаларини аямалдилад. Шу мақсадда биз ишлаб чиқариш базасини мустақимлаямиз. Қурилишнинг илгор усулларини қўлланмоқдамиз. Вазиғамиз қурилиш-монтаж ишлари планини бажармоғчи бирорта ҳам трест, бошқарма ёки корхона бўлмаслигига эришишдан иборат. Қурилиш муддатини қисқартириш, сифатини яхшилаш ва таннариҳини камайтириш учун кураш барча қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективларининг диққат марказида туриши керак.

Коллективимиз янги Тошкентни бунёд этишдек шарафли вазиғани бажаришда беш йилликнинг учинчи йили катта ғалабалар йили бўлиши учун астойдил интилади.

Машвум тонготар, 5-у 23 минут. Бутун Тошкент шаҳри ларзага келди. Қанчадан-қанча иморатлар бузилди, минглаб оилалар бошпанасиз қолди. Қаторингда норинг бўлса, қўнинг ерда қўлмайди деганларидек эл-юрт ёрдам қўлини чўздди. Бузилган иморатлар қўтариб ташланиб, уларнинг ўрнида янги уйлар қад кўтара бошлади. Чаплаги суратда зилзила бўлган кун, юқоридagi суратда ҳашар йўли билан қурилган қўп-қаватли бинолар акс эттирилган.

ЖИЛОКОРЛАР

Чилонзорнинг 11-қаватли «аҳолис бинокорлар ҳиммати»дан ҳўрсанд. Негаки, меҳнатшўрларнинг ҳажиро баёрами — 1 Май арафасида 1-ўсозлик комбинатига қарашли 1-пардозлаш бошқармаси коллектив уларга янги университет, 75 ўринли кафе, озин-оқат магазини биноларини тўхфа қилишди.

Қурувчилар бундан аввал шу масъулият 10-қаватлида «В-23» ту, рар-жой биносини қўнгалдагидар пардозлаб, фойдаланишга топширган эдилар.

Масъулият 17-қаватлида 144 ўринли болалар богчаси ва яслисининг биносини пардозлашди. Ўртоқ Леонид Свини бошчилиги қилдиган меҳнатсевар пардозовчилар бинони байрамгача қўлдан чиқаришга астойдил ҳаракат қилишляпти. Ийла Лахмистрова, Антонина Шибено, Владимир Евсвин каби пешқадамлар нормаларини мунтазам ошириб бажариб қўлаб қурилиш материалларини тежаб қилишга эришмоқдалар.

Т. НАЖМИЙ.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Бундан ропла-роса икки йил мўқаддас тонготаридаги зилзила оқибатлари етказган зарар тез сўрыалар билан бартараф этиляпти. Бу курашда мамлакатимиздаги барча ҳақлар ва киллари бир тан-бир жон бўлиб, оғач-ийлардек меҳнат қилмоқдалар. Ёнма-ён туриб янги-янги уйлар, маданий-маъмурий муассасалар бунёд этишляпти. Бу хайрли ишта бизнинг Свердлов шаҳримиз бинокорлари ҳам озми-кўми ўз улушларини иш қўшмоқдалар.

Қурувчиларимиз биринчилар қатори Тошкентга келишган эди. Ушандан бери бинокорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли иморатлар тез сўрыалар билан бунёд этила бошладилар. Орадан бир неча ой ўтар-ўтмас дедастабки кўп квартиралар уй қуриб битказилди ва ўнлаб тошкентликлар онла-

рини ўз бағрига олди. Коллективимиз қўлидан чиққан уйлар Тошкентнинг турли районларида қад кўтариб турибди. Фақатгина «В-23» кварталда ҳаммаси бўлиб 280 квартиралар 9578 квадрат метр уйлар фойдаланишга топширилди. «П-4» кварталда бинокорларимиз қўрган қўп-қаватли уйга 80 дан ортиқ оила кўчиб кирди. Март ойида эса 40 квартиралар турар-жой фойдаланишга топширилди.

Ҳали катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз керак. Яна қатор уйлари қуриб берамиз. Айни вақтда 280 ўринли болалар богча ва ясли бунёд этилди. Шу йилнинг 1 сентябрга эса 1000 ўқувчиға мўлжалланган мактаб биносини фойдаланишга топширилади. Свердловскдан келган 300

бинокор ана шу объектларни бартараф бўлиб этиш учун социалистик мусобақани кўндан-кўнга аж олдиляпти. Барча участкаларда меҳнат вахтисини эълон қилинган. Бунда актив қатнашётган қўпчилик бинокорлар ва бригадалар ҳар қачонидан ҳам самарали меҳнат қилишляпти. Николай Фуке раҳбарлигидаги монтажчилар, Людмила Суклетина бошчилигидаги бўёқчилар, Валентина Чебанова, Мария Бакина бош бўлган бригадалар коллективлар нормани 200 процентга етказиб бажаришмоқда. Бинокорларимиз бундан бунд ҳам сўрыатта-сўрыат кўшиб ишлайдилар.

И. СВИРИДЕНКО.

Свердловск қурилиш-монтаж поезди комплекс бригадасининг раҳбари.

ИСТИҚБОЛИ ОЙДЕК РАВШАН

1966 йилнинг 26. апрели. Гузал баҳоримизнинг ана шу кўни тонготарида машвум воқеа юз берди: табиий офат — зилзила гузал пойтахтимиз қаддини букиш учун кўчини бир ерга қўлаб, ҳўруж қилди. Кўндан-кўнга ҳўсинажамоли очилиб бораётган Тошкентимизни йисан қилмоқчи бўлди.

Лекин, шум ниятига ета олмади. Фақатгина эски типдаги лой уйлари, бузишга кўна кўчи етди. Қурилиш техникаси ва фаннинг сўнги ютуқларини асосда қад кўтарган замонавий биноларни бузишга ожизлик қилиди. Табиатнинг бу ҳўруж ҳазили тошкентликларнинг қаддини бука олмади, эсанкиратга олмади. Уларни яратувчилик, фидокорона меҳнатдан тойдирга олмади.

Шаҳардаги барча кексаю-ёш зилзила оқибатларига қарши кураш бошладилар. Уша мусибатли, машаққатли кўнлабда улар ҳақиқатан ҳам қарамонлик, жасурлик, довқораклик намуналарини кўрсатдилар. Шунинг учун ҳам бир вақтлар нон шаҳри, Шарқ дарвозаси, деб оламга машҳур бўл-

ган Тошкент номини сифатловчи сўзлар қаторига «жасорат» сўзини ҳам қўшиб айтиладиган бўлди жаҳон аҳли. Ҳақиқий дўстлик бошга ташвини тушганда билинади, дейди халқимиз. Ўзбекистон меҳнатқашлари бошга ана шундай оғир мусибат тушганда мамлакатимиздаги барча ҳақлар ҳамдард бўлдилар. Ётти ёшдан-етмиш ёшгача — ҳамаини фидокорлик, Тошкентга қаралди, унинг тезроқ қайта тикланишга қандай ҳисса қўлиш билан банд бўлди. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Тошкентни тиклаш фонди ҳисобига маблаглар тўланди, бу пул эвазига неча минг квадрат метрда уйлар қурилди.

Бутун мамлакат зилзила оқибатларини бартараф этиш асосидан умумхалқ курашида актив қатнаша бошладилар. Қардош республикалар, Москва ва Ленинград бинокорлари ёрдамга келишди. Улар ўзбек қурувчилари билан ёнма-ён, елкама-елка туриб, шаҳарни тиклаш ишини қизгин бошлаб юбордилар. Совет халқларининг интернационал дўстлиги ва ҳамфиқрлиги, ҳамдард ва

ҳамжиҳатлиги ана бир бор синовдан муваффақиятли ўтди, кишиларимизга хос бундай ажойиб фазилатларнинг моҳияти, улуғворлиги ана бир бор оламга доғруғ солди.

Республикамиз пойтахтини янгидан тиклаш, уни янада баркамол, қоматтар қилиб яратиш учун умумхалқ ҳашир қизгин давом этмоқда. Қатор қардош республикалар бинокорлари ўзлари белгиланган марраларга алақакон етишди.

Заковказье республикалари ҳади қилган уйларга минглаб тошкентликлар кўчиб киришди ва ҳовли тўйларга ўтказилди. Бодтқи бўйи республикалари бинокорлари қўрган ҳашаматли уйларда ҳам зилзила оқибатиди бошпанасиз қолган қўлаб оилалар фаровон ҳаёт кечириммоқда. Қирғизистон, Қозғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Белоруссия қурувчилари бунёд этаётган ва умумий сатҳи ҳўзирдаёқ 100 минг квадрат метрга яқинлашти қолган уйлар тошкентликларини алақаконлар ўз бағрига олди. Тошкентликлар учун 235

минг квадрат метр уй-жой майдон қуриб беришга аҳд қилган Москва бинокорларининг ғайрат-шижоати ва самарали меҳнати таҳсинга сазовордир. Улар шу вақтгача 150 минг квадрат метрга яқин уйлари қўлдан чиқаришди. Россия Федерацияси, Украина, Ленинградли бинокорлар ҳам кўндан-кўнга маррага яқинлашмоқдалар. Улар ўз маблаглар эвазига 600 минг квадрат метрга яқин майдонга эга бўлган уйлари қуриш ишларини йил охиригача тутатишмоқчи.

Зилзиладан сўнг республикамиз пойтахтида 1 миллион 800 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Уларга ўн минглаб оилалар кўчиб киришди. Айни вақтда маҳаллий ва қардош бинокорлар меҳнати билан 30 минг ўринли мактаб бинолари, ўнмиг ўринли болалар богча ва яслилари фойдаланишга топширилди.


Зилзиладан сўнг ўтган икки йил ичида бинокорларимизнинг яратувчилик меҳнати билан Тошкент киёфаси тубдан ўзгарди. Янги массивлар, мик-

рорайонлар, бутун-бутун посёлкалар вужудга келди. Уфққа туташгудек кенг ва текис қўчалар пайдо бўлди. Гузал ҳибонлар қўлайди. Гузаллик ва кўркемликда илгаригисидан минг чандон соҳибжамол шаҳар бўладиган янги Тошкент қардош халқлар қафтида қад кўтармоқда.

Яқин бир неча йил ичида у янада салобатли бўлади. Унинг ҳашаматли иморатлари, кенг ва текис йўллари, қишга ором бəхш этувчи ҳибонлари замонавийнинг энг гузал шаҳарларидан қилишмайдиган қилади Тошкентни.

Бутун улуг Май байрами арафасида зилзила оқибатларини тутатиш Тошкентни янада гузал ва кўркем қилиб яратиш учун кураш олиб бораётган, туниш кўнға улаб меҳнат қилиётган бинокорларимизга миннатдорчилик туйғўларини изҳор қиламиз. Улар қўли билан қад кўтарган бинолар совет халқлари интернационал дўстлиги ҳамкорлигининг тимсоли сифатида асрлар давомида туради.

М. МИРҲАМИДОВ.



Москвалик қўли гул қурувчилар икки йил давомида жуда кўп турар-жой, маданий-маъмурий муассасалар биноларини қуриб беришди. Улар тиклаган замонавий типдаги иморатлар пойтахтимиз ҳўсинажамоли қўшмоқда. Қардошлар яқинда шаҳар марказида тўқ қиз қаватли уй қурилишини ҳам бошлаб юбордилар. Суратда тўқ қиз қаватли уй пойдеворини қуриш ишлари тасвирланган.

Р. Шамсуддинов фотолари, ЎзТАГ.

КУРИК-КОНКУРС



БОРДОНКУЛ ЖАМОЛИ

Асфальт йўл бўйидаги ниҳонлар бағр чинаркан. Баҳор шабадаси киши танига хуш ёқади. Мактабга шошиётган кичкинтойларнинг кўнгирақдай овози қўлоққа чалинади. Катта йўлдан юк ортган машиналар, енгил автомобиллар елдек ўтиб қолади. Лекин ўриндида ўтирган Туранбой ота ўз хайллари билан бўлиб, буларга ҳеч эътибор бермасди. Ота кумушдек соқолини силатганича олис-олисларга тикилган. Хайллари уни ўтмиш замонларга олибди.

Эсини танибдики, у меҳнат қилади. Лекин меҳнатининг мева-сини ниҳилбосчага бойваччалар татиб келди. Октябрь дўши чинқандан кейингина унинг бағрида офтоб тегиб, кўкраги баланд кўтарилди. Қолхозда бахтини топди.

Туранбой отага бу қишлоқнинг ҳар бир томи таниш. Илгари шу теварак-атроф кенг ҳамшироқ бўлган. Қишлоқ кам-бағаллари кеч қузада қа-

миш ўриб киши билан бордон тўқиб тиркичилик қиларди. Ёзи билан эса сув кечиб шолли экарди. Лекин шолли ҳосилининг учдан бирига ҳам қузада эга бўлмай, кейин қамини ўришга тушарди. Шу йўл билан болачақани бир амаллаб қишдан омон олиб чиқишга уринарди...

Қария шу ўлтиришда ўша азобан ўтмишини эслади. Ниҳонлардан кейин орадан кўп ўтмай Бордонкул қишлоғида янги қишлоқ ҳужалик артези ташкил топди. Туранбой «Ленински йўли» қолхозига аъзо бўлди. Хозир ўғил-қизлари ҳам шу ҳужаликда меҳнат қилаётган. Ўзи 70 дан ошган бўлса ҳам ҳамоно тиним билмайди. Ҳади замон унинг ишлари яна қайнаб кетади. Ахир, у қолхоз сувчисидир. Ёрга тушган уруғ шу ота-онанинг қўлидан баҳра олиб камол топади.

Қўшни «Политотдел» қолхоз-и ҳам бугун қўрама ҳужалик-

ка айлانган. Ўтган йили икки ҳужалик ким ўзарга бел боғла-шиб ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди. «Ленински йўли» қолхозини деҳқонлари 27 гектар майдондан пландаги ҳар гектар ўрнига 31 центнердан пахта, 17 минг тонна ўрнига 19 минг тонна қаноп олган бўлсалар, «Политотдел» қолхоз-и миришқорлари эса ҳар гектар майдондан 31 центнер ўрнига 35 центнердан пахта, 24 минг тонна ўрнига 28 минг тонна қаноп етиштириб, ўз мусо-бадошларидан бунда қолма-дилар. Улкан хирмон мўмай до-ромат кеттирди. Ҳар бир иш қўнига «Политотдел» қолхозини 4 сўм 20 тиний, «Ленин-ский йўли» қолхозини эса 3 сўм 60 тинийдан пул тақсимилади.

Қишлоқ ҳужалик ёкиларидан мўл ҳосил олишда ва қол-хозлар жамолини очинида де-путатлар алоҳида жонқуярлик кўрсатишмоқда. Туранбой ота Тасанбоев ўз ҳужаликда меҳ-нат қилаётган қишлоқ Совети-

нинг депутати Камолбек Ўрин-боевни яхши танийди. К. Ўрин-боев «Ленински йўли» қолхо-зида бригада бошлиғи. Ўтган йили у ўз бригадаси билан 90 гектар майдонга пахта экиди. Ёзи бўйи тер тўқиб меҳнат қи-либ, ҳар гектар майдондан пландаги 27 центнер ўрнига 32 центнердан «оқ олтин» ҳосил қўтариб, эл оғзига тушди.

«Политотдел» қолхозини бри-гада бошлиғи қишлоқ Совети-нинг депутати Абдулла Абду-раҳмонов эса 104 гектар майдон-да деҳқончилик қилди. А. Абдураҳмонов бошлиқ бригада аъзолари «хосилдорликни оширишда» Камолбек Ўринбоев бригадасидан анча олиб кетди-лар. Улар гектар бошига 39,5 центнердан ҳосил қўтариб ре-корд қўйдилар.

Улар каби нинда илгори жон-қуяр депутатлар Бордонкул қишлоғида оз эмас. 105 де-путат ҳужаликнинг турли соҳа-ларида меҳнат қилиб қишлоқ эконоимикасини юксалтиришда

ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ёттига доимий комиссия катта ташкилий ва ҳужалик вазифа-ларини амалга оширмоқда. Ўртоқ Т. Ём бошлиқ ободончи-лик доимий комиссияси азалга ошираётган тадбирлар аниққа диққатга сазовор. Комиссия аъзоларининг ёрдами билан бир йилда 70 ҳужалик 3—4 хонали янги турар-жой биноларига қў-чиб ўтди. Бир қатор участка-лар водопровод суви билан таъминланди. Ҳар иккала қол-хоз ўртасидаги 17 километрлик йўл асфальтланди, бригада-лар 9 километрлик йўлга шағал етказилди. «Ленин-ский йўли» қолхозининг мар-казий кўчалари четларига тротуарлар қилинди, 200 но-мерли янги телефон станцияси қўриқлиб нитга туширилди. 35 ўринли касалхона, дорихона аҳоли хизматига, Янги қўри-лан мактабда қолхозчиларнинг фарзандлари билим олмақда.

«Политотдел» қолхозига қад-қўтарган Бахт уйи қишлоқ жа-молини тағини ҳам очиб юбор-ган. Бу ерда янги-ча туялар ўт-казилляпти.

— Эндилда қишлоғимиз шаҳардан кам фарқ қилляпти, дейди Бордонкул қишлоқ Совети раиси Туроб Сафаров, — қишлоқ бўйича 7-та мактаб, учта ҳаммом, учта саратонхо-на, 22 та магазин, учта ремонт устaxonаси ва бошқа маданий-маиший корхоналар меҳнат аҳ-лига намунали хизмат кўрсат-ляпти. Қолхозчиларнинг фар-зандларидан 180 нафар ўқитув-чи, 98 киши медицина ходими, 70 киши қишлоқ ҳужалиги му-тахассисдир. Эндилда барча касб соҳиблари ўзимиздан чи-қалляпти.

Қўшна Бордонкулнинг бугун-ги жамолини кўриб бекхўй ки-шининг ҳаваси кетади. Қиш-лоқни шаҳарга айлантираётган меҳнаткаш қишлоқ шағинга тасанно айтса арийди.

А. НАВИХУЖАЕВ,
Юқори Чирчиқ райони.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

БАХТИЕРЛАР ОҚШОМИ

Кимёгарлар маданият са-ояига меҳнат ветеранлари, ишлаб-чиқариш илгорлари ва кўлаб ёшлар тўпланишган. «Бахтиёрлар оқшоми» деб ном-ланган бу кечада 30 дан ортиқ ёшга таянганли суратда пас-порт ва комсомол билетлари тоширилди.

Шаҳар милиция бошқарма-сининг бошлиғи Г. Исроилов ёшларга паспортни тоширар экан, уларга ўқишда ва меҳ-натда ютуқлар тилади, соци-алистик жамиятимизнинг муно-сиб кишилари бўлиб етишишни тилади. Комсомол билетларини эса меҳнат ветерани Полина Михайловна Генис тоширди. Сўнгги ёшлар маданият саройи атрофида учтадан пухол ўтказ-илар ва бу ерда «Бахтиёрлар қўбони» деб аташга қарор қи-лишди. Пировардида бадий ха-васкорлар катта концерт кўр-сатишди.

ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ

Шаҳарда даволаш муассаса-лари сони ортиб борапти. Элек-трохимия комбинатидаги тунги профилакторий намунали иш-лаб турибди. Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар ком-бинатида янги профилакторий иш бошлади. Зах каналининг бўйида жойлашган бу шифхо-нада 100 киши даволанмоқда. «Ўзбекхиммаш» заводининг Со-вет кўчасидаги эски ётқонхона-си қайтадан тикланмоқда. Бу ерда ҳам 80 ўринли профилакторий очилмади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

СЎНГИ РЕПЕТИЦИЯ

Ўтган кун СССР терма коман-даси Бельгия футболчилари билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Бу совет футболчилари учун Венгрия командаси билан бўладиган Евро-па чемпионати чорак финал ўйини олдидан сўнги репетиция бўлди. Командамиз майдонга жанговар состанада тушди. Аниқса ҳужум линиямиз кучли эди. Численко, Банишевский, Стрельцов ва Би-шовцевларни ярим ҳимоячилар — Воронин билан Сабо кўлаб-қув-ватлаб турсада, командамиз ўйни давомда хавфни вазиет яратол-мади, учрашувни томоша қилган энгиллаб ишчибозлар ҳам, «эанго-ри экран» олдидан жой олган кў-сонли мухлислар ҳам бошқача умидда эдилар. Гарчанд ушбу ки-рини сўнги миқотида И. Сабо кў-ригига ягона тўп совет футболчи-ларига галаба келтирган бўлса-да, командамиз яхши ўйин кўрс-атмади.

ЯНГИ МАРШРУТЛАР

Шахтёрлар шахрни облас-тизмиздаги бошқа шахарлар ва посёлкалар билан боғловчи ав-тобус маршрутлари тобора кў-паймоқда. «Оҳангарон» — «Бек-обод» маршрути бўйлаб машина-лар қатнай бошлади. Бу ку-лайликдан икки сановат шахри-нинг аҳолиси беҳад хурсанд бўлди.

— Яқинда, — дейди Оҳанга-рондаги автотранспорт парк-ини директори ўртоқ А. Тур-сунов, — «Оҳангарон» — «Ашт» ва «Оҳангарон» — «Олмалик» марш-рутиларида ҳам автобус қатнови йўлга қўйилди. Бу тадбирлар меҳнаткашларнинг икки кул-ликдан олишларини сермаз-мун ўтказишларида ҳам жуда қўл келади.

А. КҲИЕВ.

ЮГОСЛАВИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИ

ЯРИМ ФИНАЛДА

Италия терма командасидан кейин Югославия футболчилари ҳам Европа чемпионати ярим фи-налига чиқишди. Улар Белградда Франция командаси билан бўлган иккинчи учрашувда янги ҳисоб (5:1) билан галаба қозонишди. Ракибларнинг Марселдаги бирин-чи ўйини 1:1 ҳисобида тугатган эди.

«ПОЛИТОТДЕЛ»

МАЎЛҒУБИЯТИ

«Политотдел» командаси СССР кубоги учун навбатдаги ўйинини Фарғона шаҳрида маҳаллий «Неф-тяник» футболчилари билан ўтказ-ди. Қолхоз спортчилари 0:1 ҳис-обида мағлубиятга учраб, кубок учун бўлалдиқ навбатдаги уч-рашувларда қатнашиш ҳуқуқи-дан маҳрум бўлишди.



В Ё Т Н А М — ВЬЕТНАМЛИКЛАРИНИ

Жаҳон насаба союзиари фе-дерацияси бош кеңашчини фав-қулода сессияси Вьетнам меҳ-наткашлари ва насаба союзиари учун жаҳон миқёсида пул тўп-лашга даъват этган эди. Ана шу даъватга мувофиқ, жаҳон насаба союзиари федерацияси секрет-рияти қаракмон Вьетнам насаба союзиарида 20 минг доллар юбо-ришга қарор қилди.

П А Р И Ж

Франция Коммунистик пар-тияси Марказий Комитети пар-лумининг резолюциясида бундй дейилади: Вьетнамда тинчлик бў-лишини таъминламоқ учун аме-рикиликлар агрессия урушини тўк-татишлари, Миллий озодлик фронт-ини танишлари ва қўшниларни йангидан Вьетнамда олиб чиқиб йангидан кирак. Марказий Ко-митет галаба учун курашётган вьетнам халқини қўлаб-қуват-лашга қаратилган тадбирларда француз халқининг гоят кенг иш-тирок ирилишини таъминлаш шун пайтнинг биринчи навбатдаги вазифаси, деб ҳисоблайди.

КУАЛА-ЛУМПУР

Совет насаба союзиари ва Ма-лайзия насаба союзиари Америка харбийларининг Вьетнамдаги аг-рессиясига қарши қатъий нороз-илик билдиридилар. Совет наса-ба союзиари делегацияси билан Малайзия насаба союзиари кон-грессининг бу ерда ўтган қилган қўшма баёнотида шу гаплар ай-тилган, (ТАСС).

ЯНА БИР САМОЛЁТ БАЗАГА ҚАЙТМАДИ

НЬО-ЙОРК. Американинг «Ф-111 А» типидagi яна бир қирувчи бомбардимончи само-лёт Вьетнам Демократик Рес-публикасига қилинган ҳужум-дан кейин базага қайтиб келма-ди. Сайгондаги харбий маъму-рлар самолётни «Тайландга ерга қўлаб тушди» деб гап тарка-дилар.

АҚШ НАЙРАНГБӨЗЛИК ТАКТИКАСИНИ ЎТКАЗМОҚДА

ВАШИНГТОН. 24 апрель. (ТАСС). Вашингтон АҚШ би-лан Вьетнам Демократик Рес-публикаси вакиллари ўртасида дастлабки алоқалар боғлаш учун жой таллаш масаласида най-рангбөзлик тактикасини ўтказ-моқда. Оқ уй Америка ҳуку-мати очқарисидagi «қатъий йўл» деб аталган сиёсат тараф-дорларнинг таъйини остида шундай тактика қўлланмоқда. Крисчен саёсат монитор, газе-тасининг обзорчиси Жозеф Харш ана шундай хулосага кел-ди. Харш ёзишича, Оқ уй, Дав-лат департаменти ва Пентагон-даги «қатъий йўл» тарафдор-лари «дастлабки алоқалар учун жой таллаш борасида атайлаб

ишчи орқага сурмоқдалар. Харшининг ёзишича, улар «тич йўл билан суҳб музокаралари-ни пайсалга солимоқ учун барча чораларни кўрмоқдалар». Вашингтон раҳбарларининг ана шу гуруҳаси, деб таъкид-лайди Харш. ҳали ҳам бўлса, «Вьетнамдаги урушда галабага эришиш» умидида яшамонқа-лар.

Бироқ маълумки, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари шу йил ишида ўзларининг ҳужум операцияларини билан Америка раҳбарларининг барча режалари-нинг барбод қилиб, ана шундай умиларни пучга чиқарган эдилар.

ШУ ЙИЛНИНГ 17 МАРТИДА

«Ф-111 А» типидagi олтига са-молёт Тайландга келтирилган эди. Хозиргача шу самолётлар-нинг учтаси тошиб бўлди. Аме-рика харбий қўмондонлиги са-молёти Вьетнам Демократик Республикасининг ҳаво ҳужум-лидан мудофаа қилмаган уриб туширилганларини тан олиш-ни астамай, шу самолётлар-нинг бири 28 мартда «Шар-қ»-Жанубий Осиёнинг қа-еридалар ерга қўлаб тушди, деб маълум қилди. Иккинчи самолёт уч қуи ўтгач, Тайланд территориясида қўлаб тушди. (ТАСС).

Совет Иттифони, Чехославия, Вьетнам Демократик Республика-си ва Польшанинг бир гуруҳа олимлари қатор тақриблардан кейин ялронинг янги бўлиниш ҳодисасини аниқладилар. Су-ратда: совет инженерни В. Ма-тошин (чапда) ва чехосло-ван эингиз Я. Гладкий фотон ва электронларни аниқловчи мосла-мани ўрнатмоқдалар.

Ю. Туманов фотоси. (ТАСС, фотохроникаси).



ВЕНЕСУЭЛА ҲУКУМАТИ

ИСТЕЪФО БЕРДИ

НЬО-ЙОРК. 24 апрель. (ТАСС). Информация агент-ликлари Каракасдан хабар бе-радилар: Венесуэла ҳукумати-нинг бутун состави кеча истеъ-фо берди. Венесуэла президенти Рауль Леони истеъфони қа-бул қилди, аммо янги ҳуку-мат таъинланганига қадар ўз ла-воимларида қолганини министр-лардан илтимос қилди.

Республикачи — демократик иттифоқ партияси ҳукумат коалициясидан чиқиб тўғриси-да қарор қабул қилгандан кейин ҳукумат тангини рўй берди.

ЛИРИК МИСРАЛАР

ФАРЗАНДИМГА

Сен келган ҳаётнинг осмонларида, Ғубор йўқ, ўзининг қалбнинг сингари, Кўз очган тупронинг бўстонларида Бўлмаган бу каби гушдан илгари Келинчақ сандиги каби тахланган, Хилма-хил ибобнинг бепоён ўғлини. Ватаним қалбда сента сақланган, Инсоялик ҳурмати меҳрибон ўғлим, Чумоли кўтарган бир ушқоқ иондай — Меҳнат ҳурматида бахтиёрдирсан Боҳлиқ чоғиндан етук инсондай, Ватаним меҳрига сазовордирсан. Кабулар тишлаган бир кичик дойдан Тўқ бўлур тарбият қилса халойим, Саодат келтирган бир лаҳза ондай, Ватанга тухфамдир, халқимга дойим.

РУБОИЙЛАР

Жавоҳир қадрини кўрмагай ҳар тош, Қилмаса бисотин, жўзмабасин фотш.

Одамлар ўзларни муътабар этмас,

Меҳнатга сабот-ла қилмаса бардош.

Нодон эрсанг азиз ота-онанг танг қиласан,

Сочининг гажак тараб ўзининг сатанг қил-асан,

Гар етмасанг ўқиб ўрганиш пайтига фар-занд,

Фурсатни қўлдан бериб, оқибат аттанг қи-ласан.

Т У Ю Қ

Бир кўриб ақлимни олган ёр юзида холи бор.

Эй кўнгул, қилма тағофул ваъдасига холи бор.

Бу сафар кўрдим жамолни, мен ўзимни бил-мадим

Маҳлиё жонсиз вужуднинг на мадори холи бор.

Файзулла ХАЙРУЛЛАЕВ.

Реклама ВА Ўйлонлар ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар програм-маси, 18.00 — Кичиктойлар учун (Ўзбек тилида).
Рус тилида: 18.20 — Телеянгил-лар, 18.35 — Ўзбек компози-торларининг асарлари.
Ўзбек тилида: 19.35 — Халқ кнтроли амалда, 19.55 — Ўзот ва мураббий, 20.30 — Телеянгил-лар, 20.45 — Инсон ва қонун, 21.20 — Бадий фильм.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
18.00 — Қозоқ куйлари.
18.45 — Ўқув энциклопедиялари программаси. Олий математика, 19.30 — Инглиз тили (студен-лар учун).
20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — Мушук, хўро ва тулки (болалар учун кинофильм). 20.30 — Концерт, 21.45 — Доктор Стокман (теле-фильмнинг иккинчи серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 26/IV — да Травата, 27/IV — да Шоир қалби.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРА-МА ТЕАТРИДА — 26/IV — да Ўғир-ланган умр, 27/IV — да Бўрон қуши.

КИНО

Анна Каренина (көнг форматли, икки серияли фильм) — «ЧАЙ-КА» (қундуз ва кечқурун), САН-ТАТ САРОНИ (кеч соат 6-15 минут ва 9 да).

Сув париси тасвирланган узук — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (қундуз ва кечқурун).

Биринчи нурьер — «ЎЗБЕКИС-ТОН», «ВОСТОК» (қундуз ва кеч-қурун), НАВОИЙ НОМЛИ (эрталаб соат 11-40, қундуз 3-20, кеч 6-40 минут ва 10 да).

Оқибат — НАВОИЙ НОМЛИ (эрта-лаб соат 10, қундуз 1-ярим, 5 ва кеч 8-20 минутда).

«Авлия Януарий» операциеси — САНТАТ САРОНИ (эрталаб соат 11, қундуз 1 ва 3 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 майда

КАТТА

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Концертда Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз МИРКА-РИМОВА, Фахриддин УМАРОВ, Зоир СУЛТОНОВ, Исҳоқ КА-ТАЕВ, Сора ШУКУРОВА, Ра-шан МУМИНОВА, Тўқта НА-ЗАРОВА, Динбар АБДУЛЛАЕВА, Ўзбек халқ чоғу ансамбли, Ўзбекистон ССРда хизмат кўр-сатган артистлар Карим АЛИ-ЕВ, Фафур АЗИМОВ, Аббос БАХРОМОВ, Азиз МУЛЛАХО-ЛОВ, Умар ХАМИДОВ, Турсун УТБОСАРОВ, Убайдулла ХУ-ЖАЕВ қатнашадилар.

Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган арти-ст Мухаббат МУСАЕВА олиб боради.

Концерт 1 майда кеч соат 9, 2 майда қундуз 1 да бошла-нади.

Билетлар концерт зали наса-сида қундуз соат 2 дан, рай-насаларда соат 12 дан соти-лади.

ЕРЕВАН ШАҲРИДА

15 майда

1966 йилда чиқарилган

38/ ДИ

Давлат ички ютуқлар

законининг

15-ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Тиражда 40 сўмдан 5000 сўм-гача бўлган умумий суммаси 512560 сўмлик 9400 ютуқ уйна-лади.
Шу заём бўйича ҳар йили 8 ютуқлар тиражи ўтказилади. Заём облигацияларини сотиб олишти.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ

МАОРИФИ БИЛИМИ

МАЪЛУМ ҚИЛИНИ

Саники йилнинг ва урта мак-таб кўрсаткичи бўйича экстер-нал учун имтиҳонлар 1967/68, 1968/69, 1969/70 ушбу йиллар давомида қуйидаги мактаблар-да ўтказилади:

ЎЗБЕК ТИЛИДА:
24-мактаб — САҒБОН КУЧАСИ,
109-УИ;
82-мактаб — ПУҒАЧЕВ КУ-ЧАСИ, 1-УИ;

РУС ТИЛИДА:
43-мактаб — УРИЧЛИ КУ-ЧАСИ, 19-УИ;
163-мактаб — ЧИЛОНЗОР

МАССИВИ, 2 квартал.
Имтиҳон топишувиликлар мак-таб директори томига 5 май-гача ариза беришлари керак.

Ўзбекистон Компартияси

Марказий Комитети бирлашган

нашрийтининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

№ Б — 1850.

Р. 10157.



Қуни-кеча Сергелида картинг спорти бўйича республика чемпи-онати мусобадалари бўлди. Бунда областларнинг кучли спортчи-лари қатори қозоқ картингчилари ҳам қатнашди. Кескин спорт ку-ришидан кейин, умумийда ҳисобида фарғоналиклар ғолиб ке-лишди. Тошкент командаси иккинчи ўринни олди. Суратда: мусоба-қа пайти.
Д. Михайлов фотоси.